



Ушбу хикоянинг дастлабки номи «Дўппи» эди. Шундай шеъри борлигини эслабми, уни Мухаммад Юсуфга багишламокчи бўлдим. Асарнинг сарлавхаси ўзгаргач эса, шоир номи билан ёнма-ён туриши хунукрок туюлиб, фикримдан кайтдим. Ажабо...

Бугун хикояни суюкли инимнинг унутилмас хотирасига багишламокдаман.  
Муаллиф

Ўзбекнинг хонадонидан дўппи топилмаса-я!

— Мана, — дея энам ниҳоят кафтларига уриб кока-кока, кизакларини торта-торта, кирралари уринган нимдошрок бир дўппини кўтариб чикдилар ичкаридан. — Уй эмас бу, карвонсарой. Дўппининг бозоридан ўтиб бўлмасди-я! Отанг Тошканддан бир тўккизини ортиб келган эдилар, кани энди? Тунов куну уканг бир тўда жўраси билан келиб, анови хамсояннинг таъзиясига кирамиз, деб битта-битта кийиб кетди. Би-иронтаси кайтиб келгани йўк. Ўзинг-чи, келар экансан, мана шундай тўй бор, таъзия бор, чамадоннинг тагига ташлаб келай демайсан. Дўппи жониворнинг хамку писанди колмади, яхши-ёмон кунда кийилмаса, бошига иладиганни бозордан топинг! — Энам жаврашдан тўхтаб, машинанинг калитини бармоқларида бетокат айлантириб турган отамга юзландилар: — Бошингиздагини улингизга беринг, сиз мана буни киясиз.

— Ия, шундай бўлдими? — дедилар отам ясама итоат билан охорли дўппини менга узатиб. — Алининг жандаси Валига, янгисини акам кияр эканлар-да, майли, майли.

— Ўзингизнинг эскингиз. Шунгаям жон денг.

— Жо-о-он! Бўлдими?

— Ноз килишларини, хў шў-ўр! Шуям йўк эди, бобом бозордан опкелди, дебдилар.

— Арабларнинг ўзи бош кийимга унча ахамият бермас экан — на тўйда, на азада, — дедим шўх мунозарани бўлиб.

— Шу учун айтадилар-да, мулланинг айтганинигина кил, деб. Буни энди кимга тушунтирардинг? Бош-яланг борсанг, кофир дейди — худди дўппи кийган захоти одам мусулмон бўлиб коладигандай! Ота-бобомиздан колган урф-да, ўглим. Бир вақтлар шуни кийиш хам жасорат эди. Нега шапка киймайсан, нимага шаъма бу, максадингни биламиз, деб шўри куриганларни кўп кўрганмиз.

Йўк, гап бош кийимда эмас, аксинча — дўппи кийиб мусулмонлик даъво килиб, итоаткор бўлиб, окибати мана шундай кунга колганимиздан бахс очмокни ўйладим-у, фикримдан кайтдим. Ўрни эмас, мавриди хам эмас. Ранжийдилар. Ахир, қарийб қирк йиллик коммунист, йўлдан кайтиб, беш яшар неваралари билан бирга ўтириб, араб ёзувию араб тилини мустақил ўрганаётган одам, ниманингдир тагига етган бўлиши керак-ку!

Отам «жигули»нинг эшигини очиб, маслахат солдилар:

— Таъзияли жой тўртта. Хўш, кайсисидан бошлаймиз? Энг узогидан, а? Сафаровдан,

устозингдан.

— Канака устоз?

— Салим Сафар-чи, мухбир? Кайдам, «Бизнинг шогирд калай юрибди?» деб сени кўп суриштирарди.

— Салим Карор денг!

— А, ўшанинг фамилияси Сафаров эди-да. Шўрода котиблигида мажлис карорларини койилмаком килиб ёзгани учун Салим Карор бўлиб кетган. Лакабдай гап, мухбир бўлганига тахаллус деймиз.

— Ие, ўлдими? Нима, касалмиди?

— Каригандан кейин нима килади — ўлади-да. Тагин ким билсин, хар хил гап юради. Ўглининг жабрига кетди, деганлар ҳам бўлди. Ёлгиз ўгил, эркаррок ўсган. Бўлмаса, шундай одамнинг фарзанди, нобоп чикди. Хотинини уриб гилай килиб кўйди. Бир йилми, икки йил камокдаям ётиб келди. Уккагар бобо аралашмади, кўргани ҳам бормади. Эр-хотиннинг орасида нималар бўлмайди, фалокат-да буям, ярашиб кетар, ўртада жужуклари бор, неки килган бўлса — ўзининг шўрига, кўйинглар шуни, деб бир огиз арз килиб борганида-ку, хар калай, эл-юрт ичида обрўси бор, бу ёғи махаллийчилик, хаммаям одам — чикариб келарди ўглини. Йўк. Бир сўзли-да, принтсипиал. Ана, ўгил чикиб хам келди, хотини билан ярашди. Биппа-бинойи. Гилай бўлсаям — кўз очиб кўргани, боз устига ўзгинасининг килмиши. Орада, садкаи сар бўлиб, бобо ўлиб кетди. Айтишларича, кайнона-келиннинг гиди-бидиси хам кўпайган. У томон: «Ўл сен гилай, улгинамни каматиб кенг яйлов килиб ўтирибсан», деган, бу томон: «Ўзи-дан бўлди-да, кўзим шахло эди», деган, у томон баттар газаблаган: «Улимнинг жойида бўлганимда, сен мочахарни уриб бу кўзгинангням чикарардим!» Шу-да, эски савдо.

— Киёмат одам эди, — дедим Салим Карорни эслаб.

— Киёмат хам гапми! — дедилар отам хаёлчан, машинани ортга тисарилтираётиб. — «Ўн еттинчи йил-нинг еттинчи ноябрида — худди инкилоб куни тугилганман, Октябрга тенгдошман, асли отим хам ё Октябр, ё Инкилоб бўлиши керак эди», деб юрарди. — Кейин, нашъа килгандек, гапда давом этдилар отам: — Тавба, сендан ўн ёшларча кичик бўлатуриб, кайси йилу кайси ойда тугилганимни мен аник билмайман-у, сен энангдан сўрабсанми?!

— Эътикод-да, ота, догматик эътикод.

— Ха, сен айтган эътикоднинг кучини шу одамда кўрдим. Босма харфга чиппа-чин ишонарди. Бир варақ когозга босма килиб «Уканг хукуматнинг сиёсатига карши», деб ёзиб берсанг, жонажон инисига хода кўтариб чопишдан хам тоймас эди. Шунданмикан, бу ўрамда минмаган мансаби колмади. Райкўму ижрокўмда ишлади, аввал колхозга, кейин Шўрога раис бўлди, хосилотлик килди, милисадаям юрди-ёв. Э, колмади. Охири мана шу — мухбирлик. Лекин, куллуқхонадаги гапни айтиш керак: шунча амалларда юриб, на давлатнинг, на мардумнинг бирон хасига хиёнат килган. Бўлмаса, кандай огир йиллар эди у! Урушдан кейинги кахатчилик замонида ўз амакиси «Бола-чакам очдан ўлди», деб йиглаб борганида омборхонанинг эшигини тамбалаб, «Бугдой йўк, давлатники бу!» деб курук кайтарган, дейдилар. Ана шундай берилган одам эди. Замонасозликни билмаган сира. Талай йиллар ўглини хатна килдирмай юрди. Ростми-ёлгонми, энасини жанозасиз кўмдирган, деган гап хам бор. Аник айтолмайман — мен Тошкандда, ўқишда эдим. Ишонч-еътикоднинг махкамлигини кара! Ўзи, бор-йўги чаласаводлик курсини битирган. Лекин «Капитал» дейсанми, замонанинг сиёсати дейсанми, кўзини юмиб айтиб ташларди. Даммаси мустакил мутолааю иштиёкнинг зўридан! «Ўн тўрт ёшимдан

марксистман», дер эди, уккагар. Ўлди.

— Марксистлар хам ўлар экан, — деб кўйдим шунчаки, гапнинг маромига караб.

— Хаммаям ўлади. Лекин, сенларнинг тилинг билан айтганда — «уларнинг порлок хотираси дилларда абадий қолади», шундайми?

Беозор киноя аралаш бу гапга индамай кўяколдим.

Туман марказидан ўтиб бормокда эдик. Кўча гавжум. Ковун-тарвуз кўлтиклаган, халта-хулта ортмоклаганлар кайтяпти. Якшанба, бозор-ўчар.

Кўзим шуларда-ю, хаёл паришон. Хотиралар катидан бир киёфа чикиб келади. Сарупо мошранг либосда. Бошда сталинча шапка, серчўнтак сталинча камзул, бакалок галифе шим, дагал матодан этик. Кишин-ёзин. Бир ёнда каттакон блокнот, кўкрак чўнтакда катор ранг-баранг авторучка, этикнинг кўнжида бир даста газет-журнал.

Бу одамни бошка киёфада кўрмаганман. Устозим...

Кўп йиллик гап бу. Бирор йигирма йиллар бўлди-ёв.

Ёзги практикални туман рўзномасига олдим. Рўзнома мухаррири, узокрок кариндошимиз Жума ака йўлланмамни кўздан кечиргач, «Шеърингни Тошкентда ёзасан, ука, касбинг журналист, хаётга якин бўлишинг керак, кора ишни хам ўрган», дея мени партия турмуши бўлимига бириктириб кўйди. Бўлим мудири Салим Карорни чакириб тайинлади:

«Оксокол, мана шу болани кулок-бошини тортиб, кузгача хаводан газет ясайдиган килиб берасиз».

Салим Карор деганларини мен илгари катта-кичик мажлис-машваратларда учратган, кўзимга жуда улугвор кўриниб, савлатидан хуркиб юрар эдим. Жўнгина бир одам экан.

Мўмин, мулойим. Кимнинг ўгли эканимни эшитгач эса очилиб кетди: «Отангиз билан бирга ишлаганмиз, жиян. Колхоз вақтида. Отангиз кўлимда табелчи эди». Кейин хам, ўша даврга оидрок бирор нимадан гап кетганда, «Отангиздан сўранг» деб кўяди-ган бўлди.

Шеър ёзишимни билиб, армон билан ух тортди: «Биз хам ёшлиқда ёзар эдик. Биз газал машк килар эдик. Кофиясини тўгри келтиролма, бу ёкка ўтиб кетдик-да. Отангиздан сўранг».

Копдек бу одамнинг бир вақтлар шеър, айникса, газал битганига сира ишонолмасдим.

Одатдаги мактанчокликка йўйдим. Кайси мухбирни сўраманг, ёшлигида албатта шоирликни орзу килган, аммо турмуш шароити тўгри келмай, қолиб кетган. (Гўё шоирларга биров алохида шароит яратиб берадигандек!)

Ўлгудек ишчан экан Салим Карор. Столдан бош кўтармайди. Эрталаб олдида бир тўп газета, чойнакда чой, кўзойнагини бурнига кўндириб, иштиёк билан мутолаа қилади, кизил қаламда белгилар кўяди. Кейин мук тушиб, мехнаткашларнинг хатларидан турли-туман мақола ясайди. Тушликни айтмаса, ташқари чиқиш йўк, дам олиш йўк, чак-чак йўк. Тўнканинг ўзи.

Еринмаган бу кимсанинг қорасига тикилиб ўтиравериб сиқилиблар кетаман, хунобим ошади. Шеъримни ёзай десам — илхом йўк. Илхом парилари Тошкентда қолган: Кейин, кора мехнат учунгина яралган бу зотни гафлатда қолдириб, чекиш бахона, кўшни хонага бош суқаман. Кишлоқ хўжалиги бўлими билан маданият бўлими шу хонада. Дунёнинг завқу лаззати хам шу ерда. Чорси хонанинг чор бурчини эгаллаган улфати чор аллақачон икки юз қатордан материални тайёрлаб «хуқуматдан қарзини узган», энди хангома билан машгул.

Тўрда ўтирган шўх-шалайим Назир ака қорамни кўриб:

— Ке, ке, Сталин бобомнинг невараси, — дейди дарров юзига ташвишли тус бериб. —

Нима бўлди сенга? Ранг кўр, хол сўр. Уккагар Сталиннинг зулмидан бари. Калай, ўтирибдими ўзи? Уни дев хам урмайди, киргиндан колган-да. Бери кел-е, укам-е, тоза тамом бўпсан-а. Сени ўзим даволаб кўймасам... — У ёнидаги темир сандикдан шиша олади. — Мана шундан жиндаккина отиб юборсанг, одам бўласан-коласан. Нима, дейсанми? Талмовсирама. Дори бу, дори — култамитсин. Култ-култ ютасан — тамо-ом, олам гулистон! Карабсанки, гуллар очилган, булбуллар сайраган, илхом булоги жўшиб турибди! Ё, бобонгдан кўркасанми? Тўгрисини айт, бўлмаса ўзим уриб юбораман. Таги саёзрок ўзи. Ха-а, маладес, ур! Е хаёт, ё мамот! Чаккидан яла, чаккидан. А, шоир дегани мана бундай бўпти-да. Анови Сталин сенга хам ўргатяптими, «Шеърни кўй, гўнгни ёз, хашакни ёз», деб? Ёзма! Мени десанг, ёзма шуни, ука! Шу уккагарнинг гапига кириб, бизлар гўнгу хашак бўлиб колдик, етар. Бўлмаса, мана, Пўлатдан сўра, бир дафтар шеърим бор мениям! Хаммаси гулу булбул, ишқу мухаббатга багишланган. Лекин энди, кўриб турибсан — гўнг, хашак... Ўзи ёзсин, ўлмайди. Жони каттик унинг. Сталин бобонг бир ўзи бир кунда саккизта газет чиқаради. Юкоридан буйрук келса — бас! Назир ака лоф килаётгани йўк, ўзим гувоҳман. Тогдаги чорвачилик хўжалигида амалга оширилаётган партиявий-сиёсий тадбирларни рўзномада ёритиш зарур бўлиб колди. Ўша куни райкўмда канакадир мажлис чиқиб, Салим Карор токка боролмади. Эртаси келиб, хўжалик раҳбари билан телефон орқали беш минутгина сўзлашдию машинкахонага кириб, икки соатда икки саҳифа нарса тайёрлаб чиқди. Огзаки, айтиб туриб! Койил колмай илож йўк. «Бешарчадан беш сабок». Кизиксиниб ўкиб қарадим. Худди бориб ўз кўзи билан кўргандек жонли, батафсил. Далилу мулоҳазалар жой-жойида, хулосалар асосли, шиддатвор. Бирорта хам нуксони йўк. Гап шунда-да: бирорта хам! Бари барчага маълум, тўппа-тўгри, сип-силлик гаплар. Лекин — хар кимнинг хам кўлидан келавермайди. Устозим шу хунарнинг пири экан, билсам. Иш бошлаганининг иккинчи хафтасимиди, у менга топширик берди. Шойи тўкиш фабрикасидаги очик партия мажлисидан ихчамгана репортаж ёзиб келишим даркор. Бордим, катнашдим, ёздим. Бу даккиюнусларга бир кўрсатиб кўяй деб, бор истеъдодимни ишга солиб ёздим. Мудиримнинг тахриридан кейин ўкиб кўриб эса дод деб юборай дедим. Соч юлиб ўтириб топган ўхшатишу сифатлашларим, мажозий ибораларим... кани?! «Фалон куни фалон жойда фалон мавзуга багишланган фалондай мажлис бўлди. Йигилишда фалончи-фалончилар сўзга чиқиб, фалон-писмадон дедилар. Мажлис ахли фалондай қарор қабул қилди. Бу — жонажон партия-хукуматимизнинг тарихий қарорларига тўлик ҳамоҳангдир». Колган гап шу. Худди бир даста гулни силкиб-силкиб баргини тўкиб ташлагандек. Айниқса, илова қилиб қўйган сўнги жумласини ўкиб жоним чиққудек бўламан: шугина мажлис ахлики «ҳамоҳанг қарор» қабул қилган экан, юкорида ўтирган партия-хукуматнинг нима қерағи бор?! Ҳамонки, қарор «ҳамоҳанг» бўлмага олдиндан маълум экан, шунча одамни овора қилиб мажлис қақаришдан мурод нима?! Мухаррирга арз қилиб қирган эдим, Жума ака: «Ничево, партиявий услуб шунақа бўлади, ўрган», дея юзимга сув сепиб чиқариб юборди. Кўлимдан қелгани шу бўлдики, кечкурун яширинча босмахонага тушиб, номимни олдириб ташладим. Ахир, буни кўрган биров-ярим: «Ёзганинг-ку Салим Карорникидан фарқи йўк экан, Тошкентда пашша кўриб нима қиласан?», демайдими?! Аста-секин юксак шеърияту бадиий воситалар ҳаёлимдан кўтарилиб, бор муҳитга мослаша бошладим. нсоф билан айтиш қерак: яхшими, ёмонми, устозимдан ул-булни хам ўргандим.

Ана шундай сабокардан бирини эсласам, хамон ўзимни кулгидан тиёлмайман. Салим Карор каёккадир кетганида бир макола тайёрлаб, босмага топширдим. Эртаси уни рўзномада ўкиб, вахимага тушиб колмайдими устози!

— Сиёсий хато, сиёсий хато! — дерди у бошини чангаллаб. — Капамиз куйди, жиянжон! Энди нима килдик? Келиб-келиб Жума Турдиевич бетобликларида... «Партия карорлари» дебсиз. Кайси партия: сотсиал-демократлар партиясими, эсерлар партиясими ё кадетлар?! «Жонажон Коммунистик партиямиз» деб ёзишимиз керак, билдингиз! Буни райкўм ўкиса-а, икковимиз хам, Жума Турдиевич хам!.;  
Тушлик чоги бу нохушликни Назир акага билдирган эдим, у кулиб юборди:  
— Чепуха! Бор-е, энагар, демайсанми! Бу деворий газетангни ким ўкирди? Ўкиса хам — чепуха!

Хайрият, райкўм бизни чакирмади. Ё, у ердагилар хам Жума Турдиевичга ўхшаб ўша кунлар бетобмикан...

Салим Карор билан корректура ўкишганимиз бундан хам кизик. Корректор кизимизнинг тўйи бўлиб, бир окшом рўзномага навбатчилик килган мудиримга кўмаклашгани колдим. Мен кўлёмани кузатиб бораман, у киши босмахонадан келган нусхасини овоз чикариб ўкиди. Солиштирамиз. Устоз хижжалаб-хиж-жалаб ўкиапти-ю, мен кулиб юбормаслик учун сонимни чимчилаб ўтирибман.

— «Жо-на-жон Ком-му-нис-тик... бош харф билан, иккита «м»... пар-ти-ямиз-нинг та-ри-хий...ий... ка-рор-ла-ри-дан рух-ла-ниб, вергул... а-за-мат пар-ран-да-бо-кар-лар юк-сак зафар кучдилар... «Кучдилар»ми? Ха-а, ана шундай. Сергак бўлинг-а, жиянжон... Салим Карор йигин-пигинга кетганида мен дераза олдида узок-узок туриб, кўчадан ўтаётган киз-жувонларни томоша киламан. Туриб-туриб хўрлигам келади, ўзимни ўзим сўкаман. Бу нима юриш, ахир? Диккинафас хонада, ундан-да диккинафас бир одам билан, диккинафас бир мухитда, хеч кимга кераксиз, сийкаси чикиб кетган гапларни чайнаб, талантимни хор килиб, «далага нури чикарилди», «кўприк курилди», «бригада планини бажарди» деб ўтиргунча, практикага Тошкентнинг ўзида қолиб, хушхаво чаманлар аро Мадинамни кўлтиклаб, унга шеър у газал ўкиб юрмайманми! Ахмок, нодон! Хаётни ўрганармиш, хаётга якин бўлмокчи эмиш! Мана хаёт!.. Жўралар қачон келаркин-а, деразанинг тагида машинасини бип-биплатиб? Бугун чўмилгани шаршарага бормокчи эдик... Кетаман-ку, куз келсин, кетаман! Гўнгу хашагинг ўзингга сийлов, карор-парорларинг билан кўшмозор бўлгур Салим Карор!

...Туман марказидан ўтиб олмазорга кайрилайётганимизда отам гапириб колдилар:

— «Шогирдимиз бизни бошлаб бир кўлга туширганда» деб юрарди рахматли.

Нималигини айтмасди.

Уша воқеани гира-шира хотирлаб, сўрайман:

— Ота, энасини жанозасиз кўмдирган у, дедингиз боя. Шу одам намоз-памоз ўкирмиди ўзи?

— Ўкиган бўлса ўкигандир, биров кўрган эмас. Дафн-маъракаларга катнашарди-ю, жаноза пайти четга чикиб турарди. Нима бўлган эди ўшанда?

— Э, эсда йўк...

Эсда бор. Салим Карор кечки навбатчиликка колганида карашиб юрган кунларим эди. Босмахона охирга саҳифани тайёрлаб бергунича бирпас ховлини айланай деб чикиб, кайтиб келсам — эшик берк. Каттикрок силтаб итарган эдим, занжири омонат эканми, шараклаб очилиб кетди. Карасам... биров ерга мук тушиб ётибди. Устозим, Салим Карор! Шарпани сезиб, у апил-тапил ердан ниманидир йигиштириб олиб, столи тагига уриб

юборди. Жойнамоzми? Кейин белини ушлаганча инкиллаб ўрнидан турди-да, хадаха стол устида ётган алланимани кафти билан босди ва сатх бўйлаб суриб бориб, билинтирмайгина чўнтагига солиб кўйди. Кизил нарса, хужжатга ўхшайди...

— Келинг-келинг, жиянжон, сахифа хали тайёр бўлмабди, — деди Салим Карор гунохкорона охангда ва нолиш билан илова килди: — Кургур бел огрийди. Шунга бирпас ёнбошлаб олай деб...

Гапни олиб кочишини! Намоз ўқир экансан, очик ўқийвермайсанми, менга нима? Бундан чикди, кундузлари мени нарига хонага чикариб юбориб... Узок-узок қолиб кетсам ҳам индамаслиганинг сабаби бу ёқда экан-да, хах, мугамбир! Лекин, анови нимарса эди? Нега тура солиб шунга ёпишди?..

Ўша окшом Салим Карорни таниб бўлмай колди. Алланечук жонсарақ, ялтоки, одатдагидан сергап. Узи чой дамлаб, менга манзират килган. Сахифаларга тўлик имзо чекиб бўлинди хамки, уйга кетишга шошилмайди. Зарофатдан йирок кўринган тўнкамижоз кимса, мендан шеър тинглаб чарчамайди. Ўтган-кетган хангомалардан сўз очади. «Отангиздан сўранг-да». Кетаётганимизда, бобом тенги одам, устозим, бир кадам уйимизга кажавали мототсиклида элтиб кўймокни таклиф килди... Таажжуб!

Салим Карор эртаси ишга келмади. «Бетобман», дебди сим қокиб. Икки кундан кейин отпусқа сўраб ўгли орқали ариза юборди.

Бебош колганимни кўриб, мухаррир мени интик бўлиб юрганим — маданият бўлимига ўтказди. Шўхшан улфатлар даврасида юриб, куз қолиб колганини сезмабман. Севимли Тошкентимга жўнадим.

Салим Карорни бошқа кўрмадим. Кейинги йили келганимда редактсияга кириб суриштирсам, «Шу уккагарни сен бир бало қилиб кетдинг-ов, шоир, — деди қолиб Назир ака. — Ўша бўйи қайтиб ишга чикмади. Кўз кургур хат ишига ярамай колди, деб бошқа сохага ўтиб кетди. Богдорчилик бригадасига қоровул деб зшитаман. Кўча-кўйда кўринмайдиам». Бу жумбоқдан бошим котди.

Унутилмас устозим хақида билганим мана шулар. Кейин-кейин у хотирамдан ҳам кўтарилиб кетай деган экан, бугун қолиб...

Богқўчалар бўйлаб бир оз айлангач, деворлари нураган, хароброк ховлига етиб машинадан тушдик. Ота-бола сипо тортиб, қийшайиб колган қадимий дарвоза орқали «келинг-келинг»сиз, тўппа-тўгри ховлига кириб бордик. Этакдаги эгри ўсган олма тагида одам кўриниб, ўша ёққа юрдик.

Заранг ерга тўшалган шолчада икки-уч киши «манка» гурунг қолиб ўтирибди. Бориб биз ҳам чўкқаладик. Тўрда, юзлари кат-кат ажин, қабарик кўзойнақ таккан қўхна бир мўйсафид чилчўп оёқларини бетакаллуфона чалчайтирганча ёстикқа ёнбошлаб мудраб ётибди. Берирокда ундан тетикрок яна бир қария, тўхтаб-тўхтаб шеригига гап беради. Пойгақда дўппи-белбогли қайвонисифат бир йигит. Гап-сўзларидан — мархумнинг жияни. Ўгли негадир кўринмайди.

Бош иргаб салом-алиқ. Дуои фотиха. Кейин бафуржа хол сўрашувга ўтилди. Фурсатдан фойдаланиб мен ховли-тузга кўз югуртирдим. Дўппидеккина, тор. Махаллий шароитга сира тўгри келмайди, бамисоли шахарховли. Вакти-замонида бирмунча ободрок бўлган уй-жой ҳам энди хароб, файзи кетган. Хаммаёқ патарот, олмаларни курт қомириб ётибди, кузаки меваларини губор босган, қахрабо тусда.

Қайвони жиян мендан қачон келганиму неча кунга келганимни сўради.

— Уканинг шу одатлари маъқул-да, — деди сўнг отамга юзланиб. — Қеласолиб дарров эл-улуснинг мавлид-маърақасини кўзлайдилар. Узим кўрганман-да бир-иккида. Соғ

бўлсинлар. Рахмат. Савоб. — Кейин, бир зум тин олгач, мархумнинг эгаси сифатида, бу ерда ўтирганлар неча бор эшитган, яна эшитажак, ўзи ҳам неча бор такрорлаган, тагин такрорлажак ўлим тафсилотини, таомил бўйича, энди бизга сўзлай бошлади: — Билмадим, биппа-бинойи юрган эдилар. Ўша куни денг, бир-икки жойга таъзияга ҳам борибдилар, кайтишда бозор-ўчар килиб кептилар рўзгорга. Балодай. Хеч кимнинг хаёлига келмаган. Сўнгра денг, бу энди пешин намозидан кейинги гап — Самиевнинг олдига жўнабдилар, директорнинг. Шундан шу ёкка. Пиёда. Оёқларида бодлари бор эди, кекса одам. Самиев бир вақтлар кўлларида тракторчилик килган экан, шуни орка килганлар чоги-да. Мана, ўзларинг кўриб турибсизлар: ховли каталакдай, боз устига, яримчаси йўлга тушмокчи. Гап ўзимизники-ю, кайнона-келиннинг ҳам собикаси келишмайрок колган. Шунга, улларига бир парча ер сўрамокчи бўлганлар-да, янгамизнинг айтишича. Самиев нима депти денг: «НКВДда ишлаганингизда отамни каматгансиз, сизга ер йўк». Нокасинг гапини каранг! Шунча замон ўтиб, эски аламинг энди, совхозга директор бўлганинга эсингга тушдими, номард! Каматган бўлса, отанг бирон айб килгандирки, каматган-да. Колаверса, амакимиз милисада озрок ишлаганларидан хабарим бор эди-ю, — эски шапкаларини хўв йиллари, болалик-да, биз кийиб юргич эдик, — лекин НКВД-пнквдсини эшитганимиз йўк.

Мудраб ётган кўхна чол дафъатан жонланиб, лукма солди:

— Э, у вақтлар унинг бари бир эди.

— Бирмиди, бир эмасмиди, отасини тус амаким каматганини ким исботлайди, бобо, кани?! — деди тарафгир жиян чолга «хужум» килиб. — Самиевингиз у вақтлар энасининг корнидаям бўлмагандир. Хай, майли, нимаям дердик энди! — Сўнг бизга ўгирилиб, узр сўрагандек, гапини айбдорона охангда давом эттирди:— Амакимизни биласизлар: сал халигидай, кизилрок эдилар. Боз устига денг, кейинги вақтда бу ердаги гурбатлардан сикилиброк юрган эканларми, оташин бўлиб, анови гапларини айтибдилар: «Ўн тўрт ёшимдан марксистман». «Бор, ўша Марксингга бор, Марксинг ер берсин!» дебди-я энагар Самиев. Бўлган гап шу. Кайтиб кептилар, янгамизга пича хасрат килган бўлиб, анови супага ёнбошлабдилару жонлари чикибди...

Худди шуни кутиб тургандек, алхол кизик иш бўдди. Гир-гир эсаётган беозор шабада тўзонга ўхшаб бир гуврандию гириллаб учиб келган кандайдир дўппи тепамиздаги олма шохига илиниб колди. Шамол тагин бир гайрат кўрсатган эди, шохдан узилиб, пастак девор оша кўшни ховли томон парвоз кидди.

Ирғиб туриб девор сари таяпинган жиянни бери-рокда ўтирган кария тўхтатди:

— Хах, кўйинг энди, Мардонбой, хализамон болаларингиз кўтариб чикади. — Кейин мийигида кулимсираган бўлиб деди: — Рахматлининг бошида дўппи кўрганимиз йўк эди ўзи.

Жиян кайтиб жойига чўккаларкан, хижолатомуз ил-жайди:

— Янгигина эди. Хали кийилмаган. Амаким шапка киярдилар. Расмига деб осиб кўйган эдик-да.

Шундагина айвондаги дорга ташлаб кўйилган ки-йим-кечакка диккат килдим.

Мархумнинг усти-боши. Ўша, кўзга таниш мошранг либослар. Ўша каттакон блокнот, ўша ранг-баранг авторучкалар.

Чеккарокда, устун козигида шумшайибгина бир дона ок яктак осилиб турибди. Чамаси, дўппи шунинг тепасида бўлган. Омонатрок илинган эканми козика...

Харчанд уринмайин, рахматлини бу яктак, бу дўппида тасаввур килолмадим. Ў кўпрок анови либосларга лойик эди. Галифе бобо...

Кейин — хайр-хўш. Худо раҳмат килсин. Жойлари жаннатда бўлсин. Колган умрлари бизларга — тирикларга насиб этсин...

Кайвони жиян кузатувида ота-бола ховлидан чикдик.

Кайтапмиз.

— Энди Богболога, — дедилар отам машинани марказга етмай юкорига буриб. — Халиловникига. Яқинда укаси мототсикддан учиб ўлди. Аломат йигит эди, кўли гул. Халиловнинг уйини биларсан, хў-ў теракзорнинг оркасида. Асом зўрга хамсоя-да.

— Кайси Асомни айтяпсиз? — деб сўрадим пари-шонхол. — Асом деган синфдошим бўларди...

— Кўнглинга олмагин-у, улим, Асом зўрниги унутган бўлсанг, анча бегоналашиб қолибсан.

Кўнглимга олмадим. Тўгри-да, балки ўша мен айтган Асомдир. У хам болалигида ўлгудек зўму зўравон эди.

Йўдда гап айланиб, тагин Салим Карорга кўчди.

— Боя шу одамни эътикодли эди, деб таърифладик, ота. Менимча, у бор-йўга оддийгина кўркок бўлган, холос.

— Гапингда жон бор, улим, — дедилар отам. — Сталин замонида юрак олдириб кўйгани рост. Уни Термиз турмасида бир хафта кигизга ўраб жабрлаганлар. «Кигиз жазоси» деган шундай бир кийнок усули бўлар экан. Ўз огзидан эшитганман. Колхоз даврида бир кеча хирмонжойда ётиб қолиб, мастлик билан йиглаб хасрат килган эди. Биласанми, уни нимада айблаганлар? «Сталин»га «бетайин»ни кофия килгани учун. Салим Карор шоир эди-да, ў-ў, қандай шоир! Газал ёзарди, кейин шуни ўзи кўшикка солиб айтарди. Эшитганмиз-да. Биз унда бола эдик.

Салим Карорнинг «Биз хам ёшлиқда ёзар эдик. Кейин, кофиясини тўгри келтиролмай...» деган армонли сўзларини хотирладим. Гап бу ёқда экан-да.

— Эҳтимол, ўшанда, кигизга солиб кийнаганлари-да, чидаёлмай айгокчиликни зиммасига олгандир? Халиги бобо бир нимага шаъма килгандай бўлди-ку?

— Бўлса бордир, улим. Неки сир-асрори бўлса, ўзи билан олиб кетди энди. Нариги дунёси обод бўлсин, деймиз-да, бошка нимаям дердик? Расми, ўлганнинг оркасида бундай гаплар гапирилмайди. Икковимиз хам гуноҳга ботиб бўлдик. Ўзи кизик-да: шуларни накл килмасанг, яхши-ёмонни қандай фарқлайсан? Тириклардан гапирай десанг — игво, гийбат саналса... Э-е, улим, замонаси не-не валломатларни майиб килмади! Мана шу Асом зўрни олайлик...

Хаёлим чувалашиб кетди.

Богболонинг донги кетган сарв тераклари бўй кўрсатиб колган эди.

Отамнинг накллари кулогимга узук-юлук чалинади:

—...НКВДнинг одамлари эшиқда пойлаб турибди. Каёқдандир буни сезади. Жон ваҳми мансабнинг мазасига кўшилиб, галадондан думалок муҳрни оладию кўзини чирт юмиб ютиб юборади. Кейин шартта орка деразадан ташлаб қочади. Шу кетганича ўн беш йиллар деганда қайтиб келди. Қандай де? Капитан либосида. Кўкракларидан турли-туман нишон... Укасини, ўз укасини каматиб юбориб, ўрнига ўтирди. Унинг хотинига уйланди. Кўп хушрўй жувон эди, Зайнаб дегич. Раислик килди. Хў-ўв яқин йилларга довур. Ука қайтиб келди.. Абгор... Ўн йилча оёк-кўлидан ажралиб, шол бўлиб ётди. Килма — топарсан, деганлари шу-да.

— Кимни гапиряпсиз, ота?

— Асом зўрни-да, Асом зўрни. Сулаймонга язна-почча бўлади. Сулаймон эсингдами,



уйимизга келиб турарди-ку? Чўлок, юрганда бир оёги гирчиллайдиган? Сенга ёгоч от  
ясаб берган эди болалигингда...

Асом зўр, Асом зўр... Ха-а, эсладим, эсладим... Келинг, буниси янаги галга колсин.

1991